



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 25-iyul • №30 (4273)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонида мувофиқ;

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2014 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 28 июль душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2014 йил 28 июль кунини дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий

ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июль



Тинчлик неъматлари

Давра суҳбати

Ҳар бир миллат ва халқнинг жаҳон меҳваридида турган мавқеи, шон-шуврати унинг инсоният тамаддунига қўшган бекиёс ҳиссаси, шу юрт бағрида қамол толган беназир даҳларнинг буюк хизматлари билан ўлчанади. Шукро-

ИСТИҚЛОЛ БАХШ ЭТГАН ИФТИХОР

налар бўлсинки, бу жиҳатдан она юртимиз Ўзбекистон Оллоҳ назари тушган табарруқ замин ҳисобланади. Улуғ бобоқалонларимиз, буюк мутафаккирларимиз яратган илмий кашфиётлар, адабиёт ва санъат дурдоналари ҳануз жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келаятгани шундан далолатдир. Истиқлол эса ажодларимизнинг ана шу бебаҳо илм-фан ва маънавият ҳазинасидан тўла баҳраманд бўлишимиз учун бениҳоя катта шарт-шароитлар яратди. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улуғ боболаримизнинг ҳаёти ва илмий-

маърифий фаолиятини ўрганиш, уларнинг таваллуд саналарини халқро миқёсда нишонлаш, илмий анжуманлар ўтказиш, бу борада дунё олимлари билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилгани, аллоҳларимиз асарлари чоп этилиб, қадимжолари обод қилинаётгани ҳам Ватанимиз мустақиллиги боис вуҷудга келган ана шу бекиёс имкониятнинг самараларидир.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди таъкидланганидек, тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда "Ким эдигу ким бўлди?" деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизиди турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга оширилганидан барча ахборот-информацион

ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 15-16 май кунлари Самарқандда ўтказилган «Ўрта аср Шарқ аллоҳлари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг бугунги цивилизациядаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конферен-

ция муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар ва ноширлар, уюшма бадий кенгашлари аъзолари, адабиёт мухлислари иштирок этиб, халқаро анжуман ва Президент Исроҳ Каримовнинг ушбу конференциядаги нутқидан келиб чиқувчи вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Давра суҳбатини анжуман қатнашчиси, Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али бошлаб берди.

2

САОДАТИМ

Ватан мадҳи

Одимлари залворлигим, улуғ қарвоним,
Сўзи ўтқир, фикри теран, тили бийроним,
Меҳмоннаво, хушфеъллигим, кўкси қалқоним,
Толеимсан, қувончим ҳам ҳайратим, Ватан.

Юрт ороми посбонининг кучида бўлгай,
Қарвон ризқи сарбонининг кучида бўлгай,
Ҳар улуғ иш буюк юртнинг ичиди бўлгай,
Сен ягона, муқаддасим, қудратим, Ватан.

Юрак осмон — лочинларга шижоат бергай,
Тоғларга ҳам виқор бергай, салобат бергай.
Виқорлари ярашган юрт, улуғвор, шердай —
Сен қурурим, синамас шаҳидим, журъатим, Ватан.

Ҳар ким ўздан ўтганини ўзи билади,
Ор-номуси, ҳалол нону тузи билади,
Элар оша айтган порлоқ сўзи билади,
Элар оша кетган шону шуҳратим, Ватан.

Меҳри бутун, мушфиққинам, қаҳри йўқ онам,
Кўнгли тоза, нияти пок, бағри чўғ онам,
Боласининг толедан кўнгли тўғ онам,
Онам янглиғ нурли сиймо, сийратим, Ватан.

Улуғ юртсан, аллар туғиб даҳо ўстирган,
Ҳар боласин юрагида дунё ўстирган,
Азал ўзбек билан буюк деган сўз турган,
Саодатим, тожух тахтим, давлатим, Ватан!

Шаҳло АХРОРОВА

“ЕТАР ЧУ РИЗҚИНГ...”

Етар чу ризқинг, агар хорадур, ва гар ёқут,
Ўзунга юклама андуҳ тоғин, истаб кут.

Навоийни ўрганиш

Ер юзиди ўрмалаган жонзот борки, ризқ-насибалари, албатта, ўзига етиб туради. Мазкур фардда олам аҳли огоҳлантирилиб, хора — оддий тош бўлса ҳам, қимматбаҳо ёқут бўлса ҳам, агар тақдирини битилган бўлса, албатта, соҳиб-би уни олмадан бу оламни тарқ этмаслиги билдирилмоқда. Иккинчи мисрада шу кут — озуқа талабиди ўз устига ғам-ташвиш тоғини юклаб олмаслик, беҳуда елиб-югурмаслик, ўзини ўтга — чўққа урмасликка ундаймоқда. Аммо инсон шовқолоқ ва бесабор. Дастлаб кут-озуқани топиш мақсадида ҳаракат қилса, унга эришгандан кейин олдинги ҳолатини эсдан чиқариб, орзу-хаваслари ортидан қувлашга тушади. Мўтабар манбаларда ажал қувгандек бандани ризқи ҳам қувиб юради, дейилган. Шундай экан, ҳаракат қилинса, қайси ҳолатда бўлишдан қатъи назар ризқ-насибасига етишмай қолмайди.

Теран мулоҳаза юритилса, уммон тубида яшайтган митти жонзот ҳам ризқ-насибасидан бенасиб эмас. Унинг ҳаёт тарзи кузатилса, ризқ-насибаси чуқур уммон тубида бўла туриб, унга қай тариқа етиб боришдан хайратланмасликнинг иложи йўқ. Афсуски, ақл-фаросатли инсон шуни била туриб, ўз ҳаддидан ошади, ўзига ато этилган кут — озуқага

қаноат қилмайди, ўз жонини қийнайди, ҳаддидан ошади ва илоҳий ҳамда инсоний меъёрни унутади. Оқибатда бундан фақат ўзи зиён кўради, холос. Навоий бобомиз бир фард орқали одамларни улуғ ҳикматдан воқиф этишни ўз олди-га мақсад қилади. Шуниси қизиқки, иймон-этиқод заифлиги ва сустлиги туфайли инсон ризқ-насиба топишнинг ҳалол йўли туриб, ҳаром-ҳариш ишларга қўл уради. Бундан фақат ўзи зиён кўришдан ташқари ўз оиласига ҳам катта зарар етказганини англамайди. Кут-насибаси хусусида хотиржам бўлиш кишини ортқча ғам-ташвишдан қутқаради, ўз жонини қийнашдан ҳалос этади ва мазмунли ҳаёт кечириш йўлини кўрсатади. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, иккинчи қаторда "кут"нинг луғатларда ризқ-насибадан ташқари бойлик, барака, бахт деган маънолари ҳам мавжуд. Навоий бобомиз сенга оддий хора етса, бундан хафа бўлма, ёқутдек қимматли нарса етса, уни ўзинга бахт-иқбол деб ўйлама, демокчи. Ҳар икки ҳолатда ҳам асл маънога пугур етмайди.

Бобомурод ЭРАЛИ,
тадқиқотчи

Лукма

Биз одамларнинг кийган либос-ларига қараб ҳам дастлабки ҳулосани чиқарамиз. Келинг, ҳозир китоблар "либос"и хусусида фикр юритсак. Хўш, бугунги кундаги айрим китоб муқовалари ҳақида қандай фикрга бориш мумкин?

Бизнинг тасаввуримиздаги китоб инсоннинг маънавияти, қомил шахс бўлиб улғайиши ва дунёқарашини

нинг юқоридаги бир аёл икки қўлида тувадиган гулларни кўтарганча очик деразадан илжайиб қараб турибди. Қуйроқда бир эркак қўлидаги ноутбукдан кўз узмай, туяқуш устига миниб олган. Герберт

Мазкур китоб ҳам жиддий нашриётнинг маҳсулотиди. Ҳар қаёқда сочилиб ётган пуллар, ҳашаматли уй, янги русумдаги машина... Қизиқ, бу суратлар китоб номига қанчалик муносиб? Эркин Худойбердиевнинг "Жинойят жазо муқаррар" ва Зулайхо Машарипованинг "Даҳшатли никоҳ" номи китобларининг муқоваларини кўрганда ҳам ёқа ушлайсиз.

МУҚОВА ҚЎРҚУВ СОЛСА

шақлланишига хизмат қилади. Бироқ, устоз Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, кейинги пайтларда "тўйиб селитра еган тарвуздай шишиб кетган хомсемиз" китоблар кўпайиб кетяпти. Хўш, бунга ким сабабчи? Китобни ёзган "чак-қон" ёзувчимизми? "Изланувчан" дизайнерми ёхуд муқовасини кўра-била туриб ҳам чоп этувчи "тадбир-кор" ноширларми? Агар жоиз топсангиз, китоб дўконларидан И.Со-биров, Н.Шамсиевалар ҳаммуал-лифлидаги "101 бизнес ғоя" но-ми китобни излаб кўринг. Муқова-

Уэллснинг "Доктор Моро ороли" номи китобининг муқовасида кўзойнакли шифокор қўлидаги шприцга ваҳимали қараб турса, ён-атрофида эса махлуқсифат, йирткич ҳайвонлар, бири оғзини катта очиб, баҳайбат тишлари билан наъра тортса, бирининг ёниб турган кўзлари олайиб турибди. Ёки Равшан Йўлдошнинг "Қиёматга қол-ган тазарру" асарининг муқовасида ўриндикда чалқанча ётиб олиб, қўлидаги тамақини тутатаётган қора кўзойнакли киши, гўё хонани эмас, бутун шаҳарни тутатиб юборгудек.

Юқорида номлари зикр этилган асарларнинг аксарияти нуфузли нашриётларда чоп этилган. Шу ўринда бир мулоҳаза. Наҳотки, нашриётларнинг китоб муқоваси билан ишлашга вақтлари ёки хоҳишлари бўлмаса... Ҳар ҳолда, либос инсоннинг феъл-атворидан дарак берар экан, демак, муқова ҳам китобнинг хуснидир. Қироили, кўркам бўлиб юрганга нима етсин...

Нигина ХЎЖАЕВА,
ЎЗМУ журналистика
факултети талабаси

ИСТИҚЛОЛ БАҲШ ЭТГАН ИФТИХОР

МУҲАММАД АЛИ:

— Халқаро илмий анжуман ва унда муҳтарам Президентимиз сўзлаган нутқ юртимиз ижод аҳлига ҳам илҳом, куч-ғайрат бағишлади. Ёзувчилар уюшмаси олдида ушбу маърузадан келиб чиқадиған долзарб вазифалар, айниқса, кўп. Маълумки, халқаро анжуман ишида ўрта аср Шарқ олимлари ва мутафаккирлари тарихий-илмий меросини ўрганиш, оммалаштириш, уларнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан мамлакатимиз ва жаҳон ҳамжамиятини таништириш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Шунингдек, дунёнинг турли илмий марказлари ҳамда илғор олимларини Шарқ алломалари меросини ҳар томонлама ўрганишга қорлаш, инсониятнинг ушбу интеллектуал мулкини замонавий илм-фани ривожлантириш асоси сифатида, унинг бугунги кун билан алоқаси ҳамда ёшларни "XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри" эканлигини идрок этиш руҳида тарбиялаш халқаро конференциянинг асосий мақсадларидан бўлди. Бу анжуман буюқ аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни қадрлаш, айна чогда улар билан фақат фахрланибгина қолмай, шу йўлни давом эттиришга ҳам ундайди. Президентимизнинг халқаро анжуманда сўзлаган бетақдор нутқи ҳар бир зиёли олдида катта вазифалар қўяди. Ёзувчиларимиз тарихий мавзуларда сўзлаган баҳаддан юксак асарлар ёзиб, ўтган буюқ сиймоларнинг тўлақонли адабий образларини яратилган даркор. Бугунги давра суҳбатидан мақсад — улуг боболаримиз ҳақида ёзиладиган етук романлар ва бошқа бадиий асарлар ҳақида фикр юритиш ҳамда адабиётимиз олдидаги долзарб вазифаларни белгиллаб олишдан иборат. Токи бу асарлар кўпчилида кизгин муносабат уйғотадиган юксак савиядаги асарлар бўлсин. Айни шундай йўл билан меросни теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган сайи-ҳаракатларга туртки бера оламиз. Айни шундай асарлар **"Ким эдигу ким бўлдиқ?"** гоёсига жавоб берадиган, уни тарғиб этадиган асарлар бўлади. Буюқларимиз ҳақидаги бундай асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш заруратга айланади. Негаки, яхши асарга ҳамиша йўл очик, уни Ёзувчилар уюшмаси ҳам, нашриётлар ҳам доимо қўллаб-қувватлайди.

МАҲМУД ТОИР,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ:

— Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда ўтган жаҳон олимларининг илмий анжумани яна бир бор кўксимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Улуг аждодларимиз неча юз йиллар бурун ёққан чироқлар, истиқлолимиз яратган имконият боис, Ўзбекистон осмонида қуёш бўлиб порлади. Қуёшдан эса бутун ер юзи тенг бахраманд. Ушбу анжуман туйғули юз очган ҳақиқат шуги, ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафак-

киз ҳақида бор гапни айтиб, асрлар қаърида қолиб кетган ҳақиқатнинг юзини очаяпти. Бизлар-чи?! Амир Темур бобомиз ва темурийлар ҳақида ёзилган асарларни ҳисобга олмаса, мустақиллик йилларида анжуманда номлари зикр этилган улуг аждодларимиз ҳақида деярли бадиий асарлар яратилмади. Яратилган бўлса ҳам биз ўз қобилимиздан чиқолмаппиз. Эндиликда алломаларимизнинг ҳар бири ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратиш зарур. Бу аждодларимиз руҳи покларни олдидаги адбик бурчимиздир.

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ,
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ:

— Президент Ислам Каримов илмий-маънавий интеллектуал бойлигини, ҳар бир буюқ олим яратган янгилик моҳиятини чуқур англашга даъват этдилар. Дарҳақиқат, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Қафқол Шойиш, Абу Наср Фарабий, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний сингари улуг алломаларимиз буюқ тадқиқотларни амалга оширганлар. Амир Темур ва темурийлар даврида Шарқ ренессансининг янги саҳифаси очилди. Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари олимлар тенгсиз обрў-эътибор топлар.

Юртбошимиз Абу Абдулло Рудакий, Абул Қосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Бобур номларини, шу қаторда Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луготит турк" китобидаги фикр ва гоёларни ҳамиша ҳурмат билан тилга олади. Кези келганда айтиш керакки, "Девони луготит турк", Ибн Синонинг "Тиб қонунлари", Аҳмад Худойдод Тарозийнинг "Хунуни балога" асарларини қайта нашр этиш пайти келди. Давлатимиз раҳбари мазкур бойлик, илмий изланишларни кунт билан ўрганиш ёшларимизнинг бурчи эканини алоҳида таъкидламоқдалар. Халқимизнинг олтиш фоизини 30 ёшдан ошмаган ёшлар ташкил этади. Навбатдаги вазифамиз янгича қарашдаги, интеллектуал тушунчаси кенг ёшларни тарбиялашдан иборат.

Юртбошимиз япон профессори Кюдзо Като, антрополог-археолог Фредерик Старр, профессор Мансура Хайдар, Қоҳира университети профессори Магида Махлуф хоним, Бел-

ҳазина эшикларини очиб юборди. Мамлакатимизда улуг бобокалонларимиз ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятини ўрганиш, халқаро анжуманлар ўтказиш, бу борада дунё олимлари билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад миллий-маънавий меросни тиклаш, замонавий илм-фани ривожлантириш, янада муҳими, ёш авлод онг-шуурида улуг аждодлар билан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш туйғусини кучайтиришдан иборатдир.

Истиқлол боис, биз имом Бухорийнинг мислсиз меҳнати самаралари, Аҳмад Фарғонийнинг буюқ ихтироси, Мотуридийнинг муқаддас динимизнинг демократик хусусиятига доир фикрларидан воқиф бўлдиқ, юрти-

БИБИХОНИМГА МАКТУБ

*Фозил элнинг боғида ҳовучладим мен-да жон,
Бугун оламга дoston боболарим берган шон,
Илоҳим, авлодларин дуолар қилсин ҳар он,
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон.*

*Ал Хоразмий чеккан ул риъзатлар ёр бўлса,
Замахшарий ҳикматлар айтса манга ор бўлса,
Мотуридий бобомнинг ишқи бир дутор бўлса,
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон.*

*"Зижи Кўрагоний"дан қаранг урфон жиласин,
Самарқанд юлдузидан кўрди олам ўз аксин,
Фарғоний сабоғида моҳиятдан бўзласин,
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон.*

*Бир қалима сўз асли дунёни бор қилгувчи,
Жон ва танинг бир эмас, демак аҳднинг эмас чин,
Қорақўз болалари шул жайҳарини кўзласин,
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон.*

*Ўсма кетса-да қошдан, ўт кетмагай аҳдидан,
Мақтансам арзийди-да юртимизнинг шул бахтидан,
Отдан сира тушмасан, мерос шамшир дастидан,
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон.*

*Сочларимни гуллатган дардини кўзга сурай,
Ёруғ тоғлар нафаси, оташидан ўрғилай,
Моноларимнинг меҳр майдониданман, нетай,
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон.*

*Ўзбегимдан айтсам мен ҳар лутфи бир шеър бўлар,
Ўғилми ул қизми ул, аҳди бўлса — Эр бўлар,
Арслонларнинг авлоди қолнонорак, шер бўлар,
Ўртага берса умримнинг нечтасини, Бибижон...
Сизга айтсам сўзимнинг каштасини, Бибижон!*

Муҳтасар ТОЖИМАТОВА

мизга меҳмон бўлиб келган таниқли араб олимлари: "Биз сизларга ватандош бўлган Замахшарий ҳазратларининг асарларини ўқиб, савод чикарганимиз, она тилимизга муҳаббат қўйганимиз, тилимизнинг нақадар буюқ ва теранлигини англаганимиз", деган сўзларидан ҳеч нарсасига қийёслаб бўлмайдиган ифтихор туйдиқ. Юртбошимиз Самарқанд анжуманида таъкидлаб ўтганидек, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Бир вақтлар Самарқанд ва Бухорода таҳсил олиш катта шараф ҳисобланган. Бир оққан дарё яна оқади, деганларидек, жаҳоннинг қўллаб-тоғлиб илмлари, тадқиқотчилари мамлакатимиз ўқув юртларида илм оладиган, бағрикенг халқимиз меҳр-муруватидан бахраманд бўладиган кунлар узоқ эмас.

ВЛАДИМИР ВАСИЛЬЕВ,
РУСИЯЗБОН АДАБИЁТ КЕНГАШИ РАИСИ:

— Мен Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференциядаги нутқини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ислам Абдуғаниевич Буюқ Ипак йўлининг Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта ер денгизи каби худудларни бир-бирига боғловчи халқларо транспорт томири сифатидаги аҳамиятини жуда тўғри кўрсатган. Бу томирда оқим нафақат маҳсулот ва технологиялар билан алмашиш, балки маданий қадриятларнинг яқинлашувини ҳам таъминлаган, шу билан тамаддулараро ва технологик алмашинув учун, амалда эса ягона жаҳон тамаддунини шакллантириш учун шароит яратган.

Мен бир умр электр тармоқларидаги жараёнларни математик моделлаштириш билан шуғулланиб келган олим сифатида талайгина алгоритмларни ишлаб чиққанман. Доимо "алгоритм" сўзини тилга олар эканман, унинг "Ал-Хоразмий" рисолаларидан келиб чиққанлиги, олимнинг жаҳон математикаси асосчиси эканлигини эслайман.

Аҳмад ал-Фарғоний билан фахрланмай бўладимиз? У астрономия ва география соҳасида йирик ва ажойиб

кашфиётлар қилган, Ўрта аср олимлари орасида биринчилардан бўлиб ёрнинг қурра шаклида эканини исботлаган, кўп асрлар давомида фойдаланиб келинган устурлобни кашф қилган олимдир. Ёки Абу Наср Форобийнинг Арасту яратган "Метафизика", "Фанларнинг келиб чиқиши тўғрисида" асарларига ёзган шарҳларини эслайлик. "Мантиқ илмига кириш" рисоласида фанларни мантиқ нуқтаи назаридан таҳлил этар экан, Форобий уларни назарий ва амалий фанларга ажратади.

Биз ёзувчилар, бу алломаларнинг номларидан ташқари асарларини ҳам халқимизга янада яқинлаштириш учун нима қила оламиз? Аслида уларнинг барчаси қомусий аллома эди. Яъни илмдан ташқари, адабиёт ва санъат билан ҳам шуғулланишган, шеърлар ёзиб қолдиришган. Афсуски, уларнинг ижодий мероси тўлалигича замонавий ўзбек тилига ўгирилмаган, рус тилига эса инчунин. Шунинг учун биз уларнинг шеърини ва нарсини таржима қилиш билан шуғулланишимиз лозим. Лекин бу осон иш эмас. Бунинг учун таржима гуруҳлари тузиб, форс ва қадим ўзбек тилидан замонавий ўзбек ва рус тилларига сўзма-сўз ўгирилишимиз, кейин эса бадиий таржима қилишимиз лозим. Фақат шундангина буюқ боболаримиз замондошларимизга айланадилар.

АБДУЛЛА АЪЗАМОВ,
АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ, ЁЗУВЧИ:

— Буюқ аждодларимиз ҳақида сўзлаганда, кишида фахр ва ғурур туйғулари жўш уради. Ижод аҳли олдидаги энг катта вазифа эса ёш авлодни ана шундай "фахр ва ғурур руҳида тарбиялашдан иборат. Улуг аждодлар ҳақида асар ёзиш учун ул зотларни қалбдан ҳис этиш, бу туйғу ижодкорнинг бутун борлигини қамраб олиши шарт. Шундангина ёзилган асар таъсири ва ишонарли чиқади. Масалан, Аҳмад Фарғоний ҳақидаги бир саҳна асарининг саксон фоиз алломанинг бир маъжусий кизга бўлган муҳаббати тафсилотидан иборат. Буюқ аллома сиймоси эса иккинчи ўринга тушиб қолган. Нафақат узоқ ўтмишдаги, балки бир асрнинг нариберисидан яшаб ўтган буюқларимиз ҳақида ҳам деярли ҳеч қандай бадиий асар ёзилгани йўқ. Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирохиддинов, Иброҳим Мўминов каби алломалар шулар жумласидандир. Улар ҳақида ёзилажак йирик асарлар хануз ўз ижодкорларини кутиб турибди.

ЎКТАМ МИРЗАЁР,
"ХУРРИЯТ" ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ:

— Дунёнинг айрим маънавий инқирозга юз тутган мамлакатлари боши кети қўринмайдиган муаммолар гирдобидан тўлғониб ётган бир пайтда тамаддун бешиги Самарқандда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқаро илмий конференциянинг ўтказилиши бетимсол воқеа бўлди. Эзгу мақсади ва нуфузига кўра дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўтказиладиган турли саммитлардан кам бўлмаган, инсониятга наф келтириш жиҳатидан эса юз чандон ортқ қўламан эга мазкур форумда Президентимиз "Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мероси руйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг қўллаб-мамакатларидаги кутубхоналарнинг "олтин фонди"ни ташкил этади", дея дунё алломалари, мамлакатимиз олимлари, зиёлилар, тарихий мавзуда қалам тебратадиган ёзувчиларимизнинг эътиборини қимматли фактларга қаратди.

Бўлиб ўтган анжуман моҳиятидан англашиладиган фикр шуки, эндиликда олимларимиз, ана шундай дурдодналарни дунё кутубхоналаридан беҳадик излаб топиш, уларни тадқиқ этиб, халқимизга қайта тақдим этиш имкониятига эгадирлар.

Мустақиллигимиз шарофати билан бир гуруҳ қалам аҳли 1993 — 1994 йилларда Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари коммуникацияси институ-

тида малака ошириб қайтиш имкониятига эга бўлгандик. Таҳсил доирасида Калкутта шаҳридаги "Виктория" музейида ҳам бўлдиқ. У еринг тартибига кўра музейга суратга олиш воситалари билан киритилмас экан. Аммо ичкарида кўрганимиз кўнгилларимизда муҳрланиб қолди. Аксарият экспонатлар Бобур ва унинг аждодлари тарихи билан боғлиқ манбалардан иборат эди. Араб имлосида, инглиз тилида шарҳи келтирилган таниш китобларни кўрганда боболаримизнинг нафасини ҳис этгандек, бўлдиқ. Ғуруримиз ошди. Бундай музейлар дунёнинг исталган мамлакатидан мавжуд. Дунёнинг ҳамма ёғида буюқ боболарнинг барҳаёт таълимоти яшаб турибди. Демак, уларни бориб кўриш, излаб топиш ва ўрганиш, бугунги ёш шарқшунослар, захматкаш тарихчилар, ёзувчиларимизнинг, барча эзгу мақсади кишиларнинг муқаддас бурчидир. Тўпланган материалларни электрон базаларда марказлаштириш, таснифлаш, тадқиқот учун илмий асос яратиш бугунги куннинг долзарб ишидир.

АБДУҚАҲҲОР ИБРОХИМОВ,
ЁЗУВЧИ:

— Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференция кенг миқёсда хайрли ишларнинг дебютидир. Бунга давлатимиз раҳбарининг ўзлари тамад тошини қўйганлари — барча ижод аҳли учун улкан ибрат бўлди. Хоразмдаги Маъмур академияси аъзоси Иброҳим Жавҳарий исми ватандошимиз XII асрда уюқ (самолёт) лойиҳасини чизган. Атоқли адбимиз Мақсуд Шайхзода кўҳна қўлёзмаларни ўрганиб, ана шу тарихий маълумотни топган. Шу маълумот асосида 1954 йили қизикарли мақола ёзилган. Аммо ўша даврда бу каби мавзуларга эътибор берилмас, аксинча, уни ёзган одамга катта муаммолар келтириши ҳеч гап эмасди. Шу мақола мустақилликдан сўнг чоп этилганда, катта муваффақият қозонди. Ҳатто Хоразм томонларда зиёлиларнинг ўзига хос байрамига айланиб кетди. Боиси — халқимиз ўзининг буюқ фарзандлари, оламшумул алломалар ҳақидаги асарларга қанқоқ. Бундан келиб чиқадиған ҳулоса: ёзувчиларимиз фаол ҳаракат қилишлари, бадиий юксак савияли асар ёзишлари керак!

НОСИР МУҲАММАД,
РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЙ
МАРКАЗИ РАҲБАРИ:

— Юртбошимиз ўз маърузасида алломаларимизнинг мамлакатимизда сақланган қадимий қўлёзмаларни ўрганаётган, тадқиқ этаётган ўнлаб хорж олимларининг исм-фамилияларини номна-ном санаб ўтдилар. Қўриниб турибдики, орадан ўнлаб асрлар ўтганига қарамай, аждодларимизнинг маданий мероси ҳамон изланишлар манбаи бўлиб келмоқда. Анжуман иштиракчилиги, Рим университети профессори Луижи Аккардининг: "Мирзо Улуғбекни олайлик, қомил ишонч билан айтаманки, ушбу мутафаккирининг

номини билмайдиган одам Ер юзидан бўлмаса керак. Унинг "Зижи Кўрагоний" асари Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Тан олиб айтишим керакки, Ўрта асрларда ёзилган бирор астрономик асар бунчалик шухрат қазонмаган", деган фикрлари фахр ва ғуруримизни оширади. Улар амалга ошираётган бу хайрли ишлар ҳаммамиз учун ибрат намунасиридир.

СУВОН МЕЛИЕВ,
ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК
КЕНГАШИ РАИСИ:

— Қадимдан Самарқанд замини "Буюқ ипак йўли"даги ҳам маърифий, ҳам иқтисодий жиҳатдан давлатларни бир бири билан боғлаб турган маданий маркази бўлганлиги янгиланган. Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда ҳам Самарқанд Шарқ уйғониш давридаги каби оламга маърифат тарқатаётган ёрқин юлдузга ўхшайди. Биламизки, осмон жисмлари, хусусан ой, юлдуз ва бошқа ёриткичлар ўз қаърида яширин ётган қимматли маъданлар мавжудлиги туйғули ўзларидан нур таратиб турадилар. Мамлакатимиздаги аждодлардан мерос бўлиб келаётган тарихий манбалар ҳам худди ана шу элементлар сингари ўзларидан нур таратиб инсоният онгини ёритиб келмоқда.

МУҲАММАД АЛИ:

— Тарихий мавзуда ижод қилмоқ — икки қарра ёзувчи бўлмоқ, демакдир. Бу — аксиома. Тарих билан фахрланмоқ, ғурурланмоқ керак, айниқса, ёшлар бунинг фаҳмига етмоқлари жоиз. Президентимиз "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номи асарида таъкидлаганларидек: **"Тарихий илдинини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри ҳулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Тақдор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишдан қатъи назар, жамиятининг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар тасирсизга олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди"**.

"Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: **"Биз буюқ аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак"**, деб айтман, — дейди Юртбошимиз. — Айни вақтда **"Фақат ғурурланишимнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!"**, — деб тарғиблайман." Президентимизнинг бу сўзлари гарчи ёшларга қарата айтилган эса-да, томи маънода биз ёзувчиларга ҳам тегишлидир: келинг, тарихимизни ўрганайлик, ҳаётга фаол ара-лашайлик, келажак орзусида яшайлик, халқимизни улуглайлик, шу бебаҳо меросга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозимлигини чуқурроқ англаб етайлик! Ушундан **"Ким эдигу ким бўлдиқ?"** деган саволга муносиб жавоб топишимиз осон бўлади.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

кирларининг тарихий мероси бутун дунё илму ҳикмат эгаларининг эъзозу эътирофиди. Бобокалонларимиз компютери интернетдан фойдаланмаган. Илм излаб, игна билан қудуқ қазишган. Шундай машаққат билан яратилган маънавий бойлик боис халқимизнинг тили узун, боши тик. Америкалик тарихчи ва археолог олим Фредерик Старрнинг «Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши» асари ўз юртида, бутун дунёда ҳақиқатнинг эътирофи сифатида тан олинган биз учун ниҳоятда қувонарли, албатта.

Мазкур илмий анжуманнинг биз ижодкорлар учун сабоқ бўладиган жиҳати шундаки, хориқлиқ олимлар фузалолар буюқ мутафаккир боболари-

гиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янсенс, хитойлик профессор Ши Юнлининг илмий изланишлари ва олиб борган ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтганлари бежиз эмас. Юракдан чиққан самимий сўз юракларга етиб боради.

АҲМАДЖОН МЕЛИБОВЕВ,
БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА КЕНГАШИ РАИСИ:

— Улуг аждодлар меросидан бахраманд бўлиш наинки шараф, фахр-ифтихор, шу билан бирга, миллий раванқ ва тараққиётда янги марраларни эгаллашда бемисл аҳамиятга ҳам эга. Мустақиллик неча асрлардан бери дунёни ҳайратга солиб, илм-фан ривожига пойдевор бўлиб келаётган

Давра суҳбатини
Бахтиёр ҲАЙДРОВ ёзиб олди.

МУНАВВАРА

РАЙҲОН ИСИ КЕЛАР



БЕШИГИДА БОЛАЛАРИ ОМОН БЎЛСА

Топганини боласига тутар эл бу,
Туни тонгга улаб, йўлини кутар эл бу.
Ошар йиллар, асрларнинг довоидан,
Бешигида болалари омон бўлса.

Эзгу тилак тўла дилга кўнмагай гард,
Тупроғидан ниҳол унғай, ўсмагай дард.
Ниҳоллари баланд бўлғай миноридан,
Бешигида болалари омон бўлса.

Камол топар Барчинойнинг сингиллари,
Чиннигулдай чирой очган кўнгиллари.
Райҳон иси келар таққан туморидан,
Бешигида болалари омон бўлса.

Лафзи ҳалол бошга қилич келганда ҳам,
Бобосидан мерос гурур, шукуҳ — ўктам.
Кушнинг инин бузмас, кўрқиб уволдан,
Бешигида болалари омон бўлса.

Тўлмагани ҳовучида тўлғай бу кун,
Дунёларга номи дoston бўлди бу кун.
Боши кўкка етар юртнинг камолдан —
Бешигида болалари омон бўлса.

ЮРТ БАЙРОҒИ

Бир йиқилиб турди рингга тиралиб,
Бўйсунмай қолганди кўлу оёғи.
Ҳолсиз боласига куйган онадай,
Кўзига термулар юртнинг байроғи.

Бирдан вужудини қамради титроқ,
Жасорат, матонат жўш урди танда.
Юксакка чорларди ҳилпираб байроқ:
“Сени шонлар кутар! — дея Ватанда”

Бор кучини йиғди муштирага ўғлон,
Енгди рақибини бир наъра тортиб.
“Сен учун ғалабам, сенга, онажон!”
Дерди, юрт байроғини кўзига суртиб.

Отам эккан ниҳолларни,
Мевасини болам еди.
Қартайса ҳам кўлда кетмон,
Болам деди, болам деди.

Қайтар дунё қайтарай деб,
Гулзор, боғлар қилолмидим.
Отам боғбон ўтди, мен-чи,
Битта ниҳол қадолмидим.

Чинор экдим кўксим ёриб,
Гавҳаримда алвон гуллар.
Бешигимда тол кўкарди,
Беланчада райҳон ухлар.

Эрмамат НУРМАТОВ

БЎСТОНДА САЙР ЭТСАМ



ҚАДРИГА ЕТ

Сенга ҳамдамлар сабот отлғи илоҳий мўъжиза,
Қолмайн гафлат ичинда, баски он қадрига ет.

Ризку рўз савдосида митти чумоли дўнг ошар,
Меҳнатингдан аржуманд ҳар битта дон қадрига ет.

Бу ёруғ кун ёрмиди жўмард боболар бўлмаса,
Эрк учун, иқбол учун бахшида жон қадрига ет.

Ҳикмат инган шодалар асло ғайбдан келмаган,
Кибриё фозилларнинг мероси — кон қадрига ет.

Инчунин, ўзбеклигини бирлан абад фахр айласанг,
Ҳам гурур ҳамда сурур, собит замон қадрига ет.

Толмагин, қоқилмагин, ойдин муродинг бор экан,
Кенг жаҳоннинг жаннати, тинч осмон қадрига ет.

Отам эккан ниҳоллари,
Қуримайди юз йилда ҳам.
Қалдирғочлар кўнармикан,
Юрагимга инлар курсам...

Хуркигай кийиклар, кўрса шер изин,
Қушлар индан чиқмас, сезса бир хатар.
Қоялар қояга берар акс-садо,
Бургутлар ёвлардан келтирса хабар.

Тилсиз балиқларга ташланса қармоқ,
Юраги хапчиқиб чайқалар уммон.
Кимдир сотар уни, ким кўяр тузоқ,
Душманини кимлигин билмайди инсон.

Соянган демагин,
Офтобман, деб айт!
Сен ҳикмат топгувчи,
Китобман, деб айт.

Сени сақлаган мен,
Худодан кейин.
Сен суйиб сийқорган
Гулобман, деб айт.

Дилларни боғлаган
Кўлда фаришта,
Илк бора ва сўнгги
Хитобман, деб айт.

ОФТОБ

Ойга ҳасад қилиб тун бўйи
Офтоб сочин қилди жамалак.
Мудраб қолди субҳга яқин,
Хўмрайганча уйғотди фалак.

Кун, кунини кўриб қолди, деб,
Ой турарди қошин чимариб.
Кўрқиб кўннинг булутчалари
Ётиб олди — пинжиги қариб.

Тафтиш қилиб осмон ўша кун,
Мусодара этди борлигин.
Боши тошга теккач англади,
О, нақадар дунё торлигин.

Ойни кўрди кўзим, кўёшни кўрди,
Осмон кўздан томган кўз ёшни кўрди.
Пешонамин урдим ой парчасига.
Кипригим илдинди кўк дарчасига.

Шамолга ўралди руҳим дояси,
Умидим тугилди, кўёш сояси.
Сочларим беланчак — алла айтаман,
Тупроқини соғиндим, ерга қайтаман...

Малолим келдими меҳр кўрсатиб,
Сизга ёқмадими хокисорлигим.
Энди хатойимни бўлмас тузатиб,
Афсус, ошкор бўлди сизга зорлигим.

Мунаввара УСМОНОВА 1965 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Дийдор”, “Сизга ўхшасин”, “Соғинч манзили”, “Юрагимдасан, Ватан” сингари шеърини тўпламлари чоп этилган. “Шухрат” медали соҳибаси (2013 йил).

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев дилбар кўшиқлари, халқона самимий сатрлари, таъсирчан иборалари билан мухлислари орасида машхур эди. Улардан бири “шоирчилик” бўлиб, бу ибора ҳали-ҳануз Нормурод аканинг суҳбатларидан бахраманд бўлган шогирдлар тилидан тушмайди. Махмуд Сатторов уларни “айтимлар” деб атаб, қизиқарли мақола ёзди, Наримон ака Хотамов шоир ҳақидаги туркум хотираларга муаллифлик қилди.

Нормурод аканинг ошна-оғайниси, таниш-билиши, мухлислари кўп эди. Тўй-томошаларда танишу нотанишлар уни ўраб олар, давраларига чорлар, бирга суратга тушишар, шоир эса улар билан худди минг йиллик қадрдонлардай самимий мулоқот қилар, “Сизни кўрган кўзларимдан ўргилай”, дея кўнгилларини кўтарарди. Таниш, аммо ўзи билан ўзи бўлиб кетганларга: “Шоир керакми ўзи?”, дея беозор танбех берса, танимаганларга: “Нормурод Нарзуллаев мен бўламан, билиб қўйинг — шоир кўп, Нарзий битта”, дея лутф қиларди. Баъзан мутлақо нотаниш кишилар Нормурод аканинг олдида келиб, тўйга ёки учрашувга таклиф қилишса, соғлиги кўтармаса ҳам, йўқ демасди, бундай қилаётганига ажабланиб қараётганларга: “Майли, бу ҳам бир шоирчиликда”, деярдир-қўярди.


Нормурод ака дўст-қадрдон танлашда одамларнинг мартабасига қарамасди — тўйларда ресторанинг димоғдор мудири билан ҳам, шу ерда хизмат қилиб юрган оддий ходим билан ҳам танишиб, “Набираларнинг тўйини, Худо хоҳласа, ўзим ўтказиб бераман”, деб ваъда берар ва, албатта, сўзининг устидан чиқарди. Дастурхонга тансиқроқ таом олиб келган официант йигитга: “Шоирнинг хурмати бор-да, яшанг, албатта ўсасиз!”, деб қўярди. Эрта баҳордан то кеч қузғача ёнида бир даста таклиф қоғозлари бўлар, бирортасини ҳам эътиборсиз қолдирмас, бориб, келин-куёвга атаб ёзган шеърини ҳаяжон билан ўқиб берарди. Учрашуларга борганимизда оддий касб эгалари — деҳқонлар, чўпон-чўлиқлар, йўл ёқасидаги кўлбола дўконларнинг шу чоққача “тирик шоир”ни кўрмаган ёш сотувчилари билан астойдил танишар, уларга янги китобини совға қилар, шеър ўқиб берарди. Одамларнинг кўнглини кўтаришдан чарчамасди.

Шоирни байрам тадбирларига, турли танловларга, маҳалла ёки ўқув юрларидаги учрашуларга танимсиз таклиф этишарди. Йўқ дейишни билмасди. “Шоир бўлганингдан кейин мухлисларинг билан учрашувга бормасанг бўлмайди-да”, дерди. Бунга Жуманиёз Жабборов тўйхат шеърида жуда аниқ ифодалаган: “Ҳам гўзаллар ҳуснига шайдо бўлар, Қайга борса бир яхшилик пайдо бўлар. Гарчи Назрий, аслида Нарзийдир ул, Хар нечук хурматга ҳам арзийдир ул...”

Шоир умрининг сўнгги кунларигача эл орасида, мухлислари даврасида бўлди. Шеърлари, ридан бирида: “Мен келганман яхшилик деб, табрикликим...”

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ЁРУҒ ТОНГЛАР УЧУН



ДАЛА

Саратоннинг олов селида,
Қилт этмайди шабада — бетоб...
Тушиб ерга осмон қўлидан,
Миниб олар елкамга офтоб.

Мавж уради ям-яшил дала —
Соҳилида салқинлар осмон.
Бир пиёла чой тутиб чайла
Ана, ёзни қилади меҳмон!

Қоқ тушдан то оқшомга қолиб,
Кенг даладай яшнадим — ҳузур!
Елкамдаги офтобни олиб,
Пешонамни силади Хиър!

ҲАЁТ

Гоҳ тоғдай қайғуси мисқолдан майда,
Гоҳ лаҳза шодлиги мангуга татир...
Тақдир саҳнасида чопаман қайга,
Наҳот ҳаётимнинг ўзи театр?

Очилик-ёпилар тўрт фасл — парда!
Тонг ҳали уйғонмай эшик чертар тун...
Тақдир — муаллифга қиламан зарда
Вақт бергин, ўзимни ўнлашим учун...

Вақт — машхур режиссёр! Саҳнада ғолиб!
Қуларни уйнатар битта-битталаб.
Сўнгра тўрт фаслни елкамга олиб,
Жилмайиб яшаним қилади талаб...

ЧАЙЛА

Чайла. Бир пиёла чой. Қиём.
Тилимланган тарвуз ҳамда бурда нон.
Хотиржам мизғийди бобомиз гўё,
Жаҳонни қўлида уйнатган султон.

Офтоб ҳам оғриниб оғар. Пешинни
Полизда сув тараб қаршилайди чол.
Фалакка ўт қўйган жавзо қўнини,
Чолнинг оёғига йиқилар беҳол.

дунёга, азизларим, яхшилик деб яшайман...” деганидай, бу одатини сўнгги нафасигача тарқатмади. Нормурод аканинг бундай одати баъзиларга ёқмасди. “Қап-катта шоир, бу нима юриш”, дегувчилар ҳам учраб турарди. Нормурод ака бу гапларга парво қилмас, ўша машхур “шоирчилик” деган айтимини яна бир такрорлаб қўярди, холос. Унинг яна бир одати — ҳеч кимни ғийбат қилмасди, бирор киши тўғрисида ёмон гап гапирмасди. Бирор киши суҳбат мавзусини ғийбат қўчасига бура бошласа, ўрнидан даст туриб, “Ака, эшитинг, сизга бир шеър ўқиб берай”, дерди-да, давра ҳавосини янгилаб юборарди.

Кўп тадбирларга бирга борарди. Шеърлари менга ёд бўлиб кетганди. Янги-янги танишлар даврасида, гоҳо ҳаяжон босиб, баъзи

УЙҒОҚ КЎНГИЛ НАВОЛАРИ

сатрлар ёдига келмай қолса, мен эслатиб юборардим. Бир кун шоир Эркин Неъматни туғилган кун билан табриклашга бордик. Қўлимизда чиройли гулداشت. Янги турар-жой масивларидан бирига яқинлашдик. Нормурод ака тўрт қаватли уй олдида тўхтаб: “Мана топдик, янгилишмасам, учинчи подъезд, биринчи қават”, деди-да, гулни қўлимдан олиб, йўл бошлади. Йўлакка кириб, чап томондаги эшик кўнгиригини босдик. Хушрўйгина бир жувон, сочини қуритаётган экан, эшикни очиб, салом берди.

— Ассалом алайкум...

— Э, алайкум ассалом, яхшимисиз келин, шоир керакми ўзи сизларга,— Нормурод ака жувоннинг қўлига гулдастани тутказар экан, кейин менга ўгирилиб:

— Кираверинг, шоирнинг уйига шунақа бостириб қилилади,— деди.

— Киринглар, киринглар,— жувон юзидаги нимкулгио ажабланишни сездирмасликка ҳаракат қилаётганини сезиш қийин эмасди. Чоғроққина дахлизга кириб туфлиларимизни ечаётганимизда Нормурод ака аёлдан сўради: — Шоир қарерда? Кўринмаяптиларми?

— Эркин акани сўрапсиз, шекилли, улар нариги подъездда туришди,— деди жувон кулимсираб.

Нормурод ака гапни тўғрилаб юборди:

— Ие, адашибмизми, йўғ-е, адашмадик, сиздек аjoyиб синглимизга гул совға қилмасдан ўтиб кетолмадик-да. Майли, йингиз хамиша гулга тўлсин. Ҳозир мен сизга бир шеър ўқиб бераман, кейин шоирни бирга табрикликим...

Яхшидан боғ...

Бир гал Андижон сафаридан Нормурод ака, мен, Муродилла Абдуллаев қайтаётганимизда Қамчиқ довоида қизиқ воқеа юз берган. Танга топди деган жойга келганимизда, йўл ёқасидаги кўлбола бозорчага тўхтаб, туршак, асал, курут олмоқчи бўлдик. Нормурод ака сотувчи қизларга: “Мени танийсизларми, шоир Нормурод Нарзуллаев бўламан”, дейиши билан сотувчилар акани ўраб олишди. Шеърхонлик бошланиб кетди. Ёши элликлардан ошган бир олаҳон шоирнинг “Насибам” номли машхур кўшиғидан бирикки сатрни ўқиб берувди, Нормурод аканинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, яйраб кетди.

Қиз-келиндар билан ҳазил-мўтойба қилиб, туршак, курут, олма харид қилиб, хурсанд ҳолда йўлга тушдик. Охангарондан ўтганимиздан кейин маълум бўлдики, тангаторлиқда қақажонлар харидларимизнинг пулини учовимиздан ҳам олишган экан...

“Шоирчилик”да бундай кулгили, аммо самимий воқеалар кўп бўлган. Нормурод ака халқ ичиндан чиққан, халқ ичидан юрадиган шоир эди. Бировдан ўпканамокчи бўлса: “Тунуҳи не эрди бу тилла бошини?”, дерди. Ҳамма иш рисоладагидек бораётган бўлса: “Қадрлар жой-жойига қўйилган”, “Халқим, сен билан қалбим”, дерди. Радиода қўшиқ бошланиб қолса, мажлисми, жиддий бир муҳокамами, “Кетди, бизнинг қўшиқ кетди”, деб юборар, ўзи ёзган қўшиқни ўзи биринчи марта эшитаётгандай, завқ билан тингларди. Нормурод аканинг шеърлари бастакорларнинг қўлига, ҳофизларнинг тилига тушиши билан уларга жон кирарди, мисралар қанот боғлаб, завқ-шавққа тўлиб, тингловчи қалбини забт этишга ошарди.

“Янги аср авлоди” наشريётида ишлар экан, Нормурод ака кўплаб ёш шоирларнинг пешонасини силаб, устозлик қилди, биринчи китобларини нашрга тайёрлашдан чарчамади. У бағрикенг ноширларимиздан эди.

Умрининг кейинги икки-уч йиллида оғир дард азобини тартаётган бўлса-да, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмас, тўй-томошаларда, шеърхонлик кечаларида аввалгидай хайқариб, ўзи завқланиб, бошқаларни ҳам завқлантириб шеър ўқирди. Айни шундай завқ, ҳаётсеварлик туйғуларини сингдирилган, яхшилик ва меҳр-оқибатни ҳарорат билан қуйилган уйғоқ кўнглини шоирнинг дилтортар наволари бугун ҳам қалбларимизни чарогон этаётгани шубҳасиз.

М.АХМЕДОВ

АСРГА ХИТОБ

XXI аср —
Инсониятнинг
Кўёшга қўл қўзиб яшаган даври...
Ердаги ҳар майса тожи ҳаётнинг,
Тириклик бошида ваҳмин қўрдим.

XXI аср...
Бир ёним гулзор,
Бир ёним тутайди қиёмат каби.
Заминни қизғониб кўтариб турар,
Тинчлик, деб ҳайқирган одамзот қалби...

XXI аср...
Бу — менинг болам.
Ишонч-умидларим, баҳри зиёдам!
Шу ўғлон кўзида томчи ёш кўрсам,
Охларим ўт бўлиб сачрар дунёга.

XXI аср...
Мана, даста гул!
Улоқтир қуруло бомбаларинг.
Бари ўтмиш бўлсин... майли, ҳартутул
Келажакка ортама ғовғаларинг.

XXI аср...
Бу — менинг ўзим!
Урушнинг кўрдим... Кўрдим ўлимни.
Ёруғ тонглар учун ёшланди кўзим,
Омон асрайсанми менинг ўғлимни?!

Кўчқор НОРҚОБИЛ 1968 йилда туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Қафимдаги қизгалдоқ”, “Хосиятли дунё”, “Дераза раҳидаги гул”, “Дарё ортидаги йиғи”, “Қулиб тур, азизам”, сингари ўндан зиёд шеърини, насрий китоблар муаллифи.

Яқинда улуг мутафаккир, шоир, муаррих ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) таваллудининг 531 йиллиги алломанинг она Ватани — Ўзбекистонимизда кенг нишонланди. Жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган Бобурнинг ҳаёти ва ижоди беш асрдан буён Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан улкан қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Мустиқиллик билан тенг дош Халқаро Бобур жамоат фонди ҳам бу соҳада катта ишларни амалга оширди. Андижон шаҳрида бу даҳо шахсга ҳайкал ўрнатилди ва Бобур номидаги истироҳат боғи барпо этилди. Худди шу боғда "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи ва кутубхона ташкил қилинди. Фонд раҳбари Зокиржон Машрабов ташаббуси билан халқаро Бобур илмий экспедицияси дунёнинг унлаб мамлакатларидан Бо-

Шахрибону Бегимнинг талоқ қилиниши воқеасида Чекмон деб талқин қилинган. Юқоридаги ўринда Чаман нотўғри берилган.

Энди "Султон Абусаъид мирзонинг фавтидин сўнг Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтига ўлтурди", иборасига эътибор берайлик (62-бет). Бобурнинг бобоси Султон Абусаъид мирзо 1469 йилда вафот этган. Ундан сўнг Султон Аҳмад мирзо йигирма беш йил ҳукмронлик қилиб, Самарқанд

бешинчи (1509-1510) йил воқеалари", деб кўпол хатога йўл қўйилган. Албатта, бу хатони араб тилидан хабардор ўқувчи тузатиб ўқиши мумкин. 1989 йилдаги нашрда эса форсча "Вақоеи бисту панжум", яъни йигирма бешинчи (йил) воқеалари, деб келтирилган. Аслида тўққиз юз йигирма бешинчи йил воқеалари деб тўғри кўрсатилганда маъқул бўлар эди.

Уша йили раби ул-охир ойининг ўн иккисиди, сешанба кун Бобур Кобулда Хиротдан ташриф буюрган қариндошлари билан кўришганини баён

Тадқиқот, ахборот

қилади. Сўнгра ойнинг еттисиди, яхшанба кун Бобо Шайхни банддан бўшатганини ёзган. Албатта, Бобур баъзи воқеаларни олдин ё кейин қозғога туширган. Бу ерда ойнинг ўн еттиси эканини исботлаш учун ҳиж-

Аслида бу ерда Пураб сўзи ёзилиши керак. Пураб сўзи ҳам ҳинд тилидан олинган бўлиб, Шарқ деган мазмунни беради. Бу хато кейинги саҳифада ҳам такрорланган: "Бу жамоатни пуррий дерлар". Аслида "пурабий", яъни шарқийлар маъносида келиши керак. Бу ўринда ўрта асрларда пойтахти Жанупур саналган Шарқийлар давлати назарда тутилмоқда. Нашрнинг 219, 229-бетларида ҳам шунга ўхшаш хатоларга йўл қўйилган.

Маълумки, Бобур ободончилик соҳасига катта эътибор қаратган. Айниқса, боғдорчилик ва меъморий обидалар яратиш бўйича улкан ишларни амалга оширган. Беш аср илгари Бобур барпо этган боғ ва баъзи иморатлар ҳозир ҳам сақланиб қолинган. Бобур Секри қўли ўртасида саккиз қиррали тош супа тайёрлатгани ҳақида "Бобурнома"да зикр этиб ўтган: "Қўлнинг ичида буюрган мусамман суфа тайёр бўлуб эди. Кема била бо-

ҲАР СЎЗИ РОСТ ЁЗИЛГАН

бур ва бобурийларга оид турли тиллардаги китоблар, тарихий осори-атикаларни юртимизга олиб келмоқда. Мазкур жамғарманинг Бобур ва бобурийлар ҳақидаги ўнлаб китобларнинг чоп этилиши ва халқаро анжуманлар ўтказилишида бош-қош бўлгани ҳам таҳсинга сазовордир.

"Бобурнома" чорак аср илгари икки юз минг нусхада чоп этилган эди. 2002 йилда эса Халқаро Бобур жамғармаси ҳомийлигида "Бобурнома"нинг илмий наشري чоп этилди. Куйида ана шу наشر юзасидан айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Буюк меъуар асарда бир ярим мингдан зиёд шахс тилга олинган. Уларнинг кўпчилиги бир хил исм ва насабга эга. Масалан, асарда у нафар Бикромажит исмли шахс ҳақида маълумот берилган. Уларнинг биринчи Ҳиндистондаги Дҳар ва Ужжайн ҳукмдори бўлиб, милоддан аввалги биринчи юз йилликда расадхона қурдирган. Орадан 1200 йил ўтиб Дехли султонлиги бунёд этилганини ҳисобга олсак, "Бобурнома" Ҳиндистонликлар учун ҳам қимматли тарихий маълумот бераётганига ғувоҳ бўлаёмиз. Иккинчи Биромажит Гвалияр ҳукмдори бўлиб, Лўдийлар замонида Дехли султонлиги тасарруфига ўтган. Учинчи Биромажит эса Рана Санграм Сингхнинг иккинчи ўғли бўлиб, Канва жангидан сўнг Бобурга элчи жўнатиб унга тобеълигини изҳор қилган. Шундай аниқ маълумотлар берилишига қарамай китоб охиридаги сўзликда уларнинг ҳаммаси бир шахс сифатида талқин қилинган. Шунингдек, китобда кўп марта тилга олинган Хисрав исми Хусрав деб ёзилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Султон Маҳмуд Мирзонинг Чаман деган жойда Султон Ҳусайн Мирзодан мағлуб бўлгани ёзилса (48-бет), худди шу географик жой номи 131-бетда

аҳли роҳат-фароғатда яшаганини Бобурнинг ўзи ҳам бошқа саҳифаларда зикр қилган. Маълумки, Султон Маҳмуд мирзо акиси вафотидан сўнг, 1494 йили Самарқанд тахтига ўтирган. Юқоридаги гап "Султон Аҳмад фавтидин сўнг", деб тўғрилиниши лозим.

124-бетда Бобурнинг онаси қирқи яқин қолганида ҳоласи Меҳр Нигорхоним ва Муҳаммад Ҳасан дуглат Кобулга етиб келгани ёзилган. Бу ерда Бобурнинг поччаси Муҳаммад Ҳусайн дуглат назарда тутилган бўлиб, унинг ўғли Муҳаммад Хайдар Мирзо кейинчалик етук муаррих бўлиб етишган ва "Тарихи Рашидий" номи аjoyиб китоб ёзиб қолдирган. Бу китоб аввалда рус тилига, сўнгра ўзбек тилига ўгирилган ва таржимонлардан бири Ваҳоб Раҳмонов "Бобурнома"нинг охириги наشري масъул муҳаррири сифатида бу хатони ўтказиб юбориши ажабланарли ҳолдир. Афсуски, бу кичик хато 1989 йилги нашрда ва русча таржимада ҳам бор. Инглиз ва ҳинд тилларидаги таржималарда ва танқидий матнда тўғри берилган.

Пуройин дарасидаги кичик бир тўқнашув воқеасида ҳам чалқашлик бор (160-бет). "Пуройин дарасигана борилди. ...Қосимбекнинг куёви Пуройинни етиб, болту била чоғиб олур маҳалда, яна йигитлар ёниб зўрлаб қочурб, Пуройинни айириб олдилар" иборасида аввалгига географик жой номидаги Пуройин кейин шахс сифатида талқин этилади. Бу ерда Пуройин чиндан ҳам дара, аммо Қосимбекнинг куёвининг исми Пуройин эмас, Бўрон.

Бобурнинг шоҳ асарига ҳижрий тўққиз юз ўн тўртинчи йил воқеаларидан сўнг салкам ўн бир йиллик узилли бор. 161-бетда ҳижрий 925 йил арабча "Вақоизи санайи хамса ва ишрина ва тисъа миа" (925 йил воқеалари) деб сарлавҳа остида келтирилган бўлса-да, тагсатрда "Тўққиз юз ўн

рий ва милодий тақвимлар жадвалига қараб раби ул-охир ойининг еттинчи куну пайшанбага, ўн еттинчи кун эса ақшанбага тўғри келиши орқали бу гапда "ўн" сўзи тушиб қолганини аниқлаш қийин эмас.

Нашрнинг 163, 171, 177, 185, 190, 192-бетларида ҳам жой номлари, исмлар, айрим сўз ва иборалар нотўғри ёзилганига, байт мисралари ўрни алмашиб кетганига ғувоҳ бўлди.

Панипат жанги баёнида (193-бет) жавонғор учиди турган бекларни санаганда Абдумуҳаммад найзабоздан кейин турган Шайх Али тушиб қолган. Худди шу сатрда "ясадукким" сўзидаги "ким" юқламаси тушиб қолган. Уша жанг иштирокчиси Муҳаммадий Кўқалаш 1989 ва 2002 нашрларда Муҳаммад Али деб берилган. Унинг ёнида турган Юнус Али эса Юсуф Али деб хато ёзилган (193-бет). Жангдан сўнг Бобур Дехли шикдорлигини Вали Қизилга иноят қилган. Ана шу гапдага "шиқдор" сўзи "эшиқдор" шаклига айланиб қолган (194-бет).

Бобур рақиб Иброҳим Лўдийнинг онасига марҳамат кўрсатиб, етти лаклик даромад келтирадиган паргана ажратиб берган. Аммо нашрда Иброҳим Лўдийнинг отасига деб кўрсатилган (194-бет). Ваҳоланки, Иброҳим Лўдийнинг отаси 1517 йили вафот этганидан сўнг ўғли Дехли тахтига ўтирганини Бобур ўзи ҳам зикр қилган.

Мазкур нашрдаги: "Бажаврни зўр била икки-уч керида олиб", деб бошланувчи гапдаги "керри" сўзи нимани англатишини билиш ўқувчининг ўзига ҳавола қилинган чоғи (194-бет). Бу ерда керри эмас, гари (ғари) сўзи вақт ўлчов бирлигидир. 196-бетда: "Ул фурсатта юруб, умароси муҳолафат макомида эдилар", деган гап учрайди. Мазкур гапда "юруб" сўзига 917-ракам билан тагсатрда "юрт" бўлса керак, деган изоҳ ҳам берилган.

риб, шомийеа тиктуруб..." деган гапда мазкур кўл "Кўйил" шаклида, янада аниқроқ қилиб айтсак, шаҳар деб нотўғри талқин қилинган. Бу хатонинг юзига келиши ҳойнаҳой Бобурнинг Коил шаҳрини сайр қилгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо матни диққат билан ўқисак ва Секри ҳамда Алгарх шаҳарлари орасида сув йўли йўқлигини ҳисобга олсак, бу хато эканини англаймиз. Таъкидлаш керакки, 1989 йилдаги нашрда бу хато йўқ.

Тўққиз юз ўттиз бешинчи йил воқеалари бошида "улуғ бир кўл яқосида тушуб ўй қувладук" ибораси бор (237-бет). Бу ерда "ўйқувладук", яъни уқламок феъли берилганида "ўй" сўзини от сўз туркуми сифатида англаган ўқувчи қийналиб қолмасди.

Аҳзаларимиз, улуг адиб ибораси билан айтганда "бу ёзганлардин асло шикоят эмас". Балки "Бобурнома"дек буюк асарнинг келажақда нашр этилишида бу каби нуқсон ва хатоларни тузатишга доир тақлифлар ўрнида қабул қилинади, деган умиддамиз. Зеро, Бобур ҳазратлари ўзининг бу ҳаётномасидаги "ҳар бир сўзи рошд ёзилган" мақсад қилиб қўйганини таъкидлаб ўтган. "Бобурнома"нинг Японияда, Англияда, Осиё ва Европанинг кўплаб давлатларида, АҚШ ва Африкада қайта-қайта таржима қилиниб чоп этилгани унинг нақадақ нодир асар эканидан далолатдир. Бу қомусий китоб Бобурнинг она ватанида тўрт марта ўзбек тилида, икки марта рус тилида ва бир марта табилий этилиб нашр қилинганига қарамай унга эҳтиёж ва талаб янада ортаёттир. Умид қиламизки, "Бобурнома"нинг мукамал танқидий матни яқин орада ўзбек шарқшунос олимлари томонидан амалга оширилади.

Ботирали ЙЎЛДОШЕВ,
шарқшунос

Китобдан яхши дўст бўлмас

ЛАТОФАТ МУЛКИГА САЁҲАТ

"Адабий ижод ҳамиша Сўз оламига саёхатдир. Ижодкор Сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади. Менинг бу ёзганларим ана шундай жонли тил билан жонли суҳбат бўлишини истайман", деб ёзади Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов "Сўз латофати" китобининг сўзбошисиди.

Эътироф этиш жоизки, атоқли шоиримизнинг юқорида баён этган астаги "Сўз латофатида" тўла-тўқис рўёбга чиққан: она тилимизнинг бекиёс бойлиги — ўзбек тили сўз оламига саёхат китобхонларга бир дунё завқ-шавқ, аjoyиб таассуротлар берадиган даражада самарали келган.

Китобхондан ўзбекона сўзга қалб қулоғини тутишни сўракан, атоқли шоиримиз она тилимиз дўрларида мужассам бўлган теран инсоний туйғуларни талқин этади, улардаги ҳикматларни очиб беради. Жумладан, "элчи", "омонат" сингари "шабнамдек мўъжаз ва тиниқ соф ўзбекча туркий сўзлар" муаллиф талқинларида ўқувчи кўз ўнгига гавҳардек товланади, ҳар кун, ҳар хил ҳолат, вазиятларда ишлатадиган сўзлар аслида бебаҳо қадриятлар эканини китобхон теран ҳис этади.

Шу маънода айтиш мумкинки, "Сўз латофати" китобидаги ҳар бир талқин, таассурот, мулоҳаза ва мушоҳада беихтиёр ўқувчини она тилини севиш, унинг бойлиқларидан завқланиш, уни ўз мулки, ор-номусидек асраб-авайлашга қорлайди.

"Сўз латофати" китобининг "Ғазал сеҳри" фаслидаги "Шоир қалбининг фиғони", "Қорақўзим...", "Инсоннинг мангу дарди", "Айлағач" сингари мақоаларда мумтоз адабиётимиз дўрдоналари, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий, Бобур ҳамда Фузулий ғазалларининг сўз сеҳри, санъати борасида теран кузатишлар талқин этилган. "Навой ижоди шу қадар поёнсиз орзулар оламики, ундан инсон ҳиссиётининг барча жилоларини топиш мумкин. Севги, соғинч, рашк, умид, айрилиқ укубати, висол шодлиги, юрт меҳри, фидолик, жасорат... бу санокни чексизлик қадар давом эттириш мумкин", деб ёзади муаллиф.

"Ўзбекистон" наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Сўз латофати" китоби сизни Сўз билан сўзлашишга қорлайди, она тилимизнинг сўз оламига сайр қилишда ҳамроҳ бўлишга таклиф этади. Шубҳасиз, бу сайр ҳайратларга бой бўлади, зеро, "Сўз латофати" китоби мутолаасидан она тилимиз сеҳру синаотлари ҳақида теран тасаввур, бой маълумот оласиз.

Абдуҳамид ХОЛМУРОВОВ,
филология фанлари доктори

"ҚАЙТМАС ДАМЛАР"

Ҳар бир ўзбек китобхони атоқли адиб Шукур Холмиразевнинг бетакорр асарларини севиб ўқийди. Ёзувчи эркин истеъдоди билан замонавий ўзбек насри ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Филология фанлари номзоди, доцент Сайёра Холмиразева муаллифлигида чоп этилган "Қайтмас дамлар" номли китобнинг "Умр йўллари" деб номланган илк қисмида Шукур Холмиразевнинг қундалик ва ён дафтарларида қайд этилган битиклар, адибга тухфа қилинган китобларга ёзилган дастхатлар, қутлов-табриклар тартиб билан берилган. Кейинги "Қайтмас дамлар" қисмида муаллифнинг отаси ҳақидаги эркин хотира-мақолалари ўрин олган. Олима отаси ҳақидаги хотираларини самимий ҳикоя қилади. Соғинч туйғулари билан йўғрилган ушбу мақолаларни ўқиган китобхон кўз ўнгига сеvimли ёзувчи шахсига хос бўлган аjoyиб сифатлар ва фазилатлар намоён бўлади. Адибнинг туриш-турмуши, ёр-дўстлари билан мулоқотлари, ички оламидан сўзлагувчи бу эътирофлар китобхон тасаввурига янада бойитилади. Шунингдек, ёзувчи ҳаёти ва ижодида тааллуқли саналарнинг тартиб билан берилгани ҳам мутолаа жараёнида қулайлик туғдиради.

"Шукур Холмиразевнинг адабиётимизда кўзгалмас ўрни бор. Унинг асарлари заминидидаги теран ҳаётий ва бадиий-эстетик маъно, тасвир маҳорати сирлари адабиётшунослар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. ..."Қайтмас дамлар" ёзувчимизнинг битганларини кенгрок, тўлароқ ва чуқурроқ ўрганиш йўлида асқотадиган воситалардан бўлишига ишонамиз", дейди Қозоқбой Йўлдош ва Отабек Сафар китобдаги сўзбошисида.

Шукур Холмиразевнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятини ўрганиш, хотирлаш мақсадида амалга оширилган ушбу нашр адиб мероси билан ҳамнафас бўлган ҳар бир китобхон томонидан қадрили тухфадек қабул қилиниши шубҳасиз.

Вазира ИБРОҲИМОВА

ГЁТЕ ВАТАНИДИ

Шу йилнинг 16-19 май кунлари Германиянинг Фрайбург шаҳрида Шарқий Европа ва Марказий Осиё республикалари таржимонлари ва наشريёт ходимларининг Халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги Гёте институти кутубхона ва ахборот бўлими раҳбари Нигора Абдуқодирова, «Академнаш» наشريёти директори Санжар Назаров ва таржимон сифатида камина иштирок этди.

2013 йили Мюнхен шаҳридаги бош Гёте институти томонидан «Услублар. Таржи-

Ўзбекистон ва жаҳон

монлар ҳаракатда» номли лойиҳа эълон қилиниб, институтининг барча давлатлардаги филиалларига юборилган эди. Лойиҳадан мақсад республикалардаги ёш таржимонларни йиғиб улар иштирокида семинарлар ўтказиш, таржима қилинган асарларини чоп этиришга қўмаклашишдан иборат эди. Шу муносабат билан 2013 йилнинг апрел-июн ойларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Андижон шаҳарларида олий ўқув юртлиари талабалари иштирокида ёш таржимонларнинг худудий семинарлари ўтказилди. 2014 йили бу фаолият давом эттирилиб, март-апрел ойларида Тошкентда икки марта семинар уюштирилди. Шундай семинар 9-11 июн кунлари Урганчада ташкил этилди.

Фрайбургда «Таржималар ва таржимонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ўтган халқаро анжуманда Арманистон, Озарбайжон, Гуржистон, Беларус, Украина, Қозғоғистон, Ўзбекистон, Россия, Германия, Швеция давлатларидан таржимонлар, ноширлар, Гёте институти ва унинг чет эллардаги бўлимлари ходимлари иштирок этди.

Янглиш ЭҒАМОВА,
филология фанлари
номзоди, таржимон

Журналларни варақлаганда

"ЁШЛИК" 2014 йил, 6-сон



6
2014

Дунёда оз эмас соҳибжамол ҳам,
Дуч келсанг ногаҳон титрайди юрак.
Барибир, мен сени қўйсайман, эркам,
Муҳаббат дегани шу бўлса керак.

Ушбу мисраларни атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Янги шеърлар" туркумида "Ёшлик"нинг мазкур сони илк саҳифаларида ўқийсиз.


Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов "Нажот адабиётдадир" номли мақоласида болалчи, адабиёт даргоҳига кириб келган давр, устозлари ва тенгқур ижодкор дўстларини хотирлайди. Шунингдек, мақолада олимнинг илмий-ижодий фаолияти, ўтган асрнинг 70-80 йилларидаги адабий муҳит, шароит ҳақида, бадиий адабиётнинг, санъатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни борасида қимматли маълумотлар, фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Ёш носирларимиздан Баҳодир Абдураззоқнинг "Тўзон" номли қиссасини, Анавар Сунонов ва Ҳусния Пардаеванинг ҳикояларини ўқийсиз. Рей Бредберенинг "Ракета" номли ҳикоясини ёш таржимон Бобур Наби ўзбекчалаштирган. Бошловчи қаламқашлар Ё.Каримова, С.Ҳайитбоева, Ш.Каримова, Р.Ашурнинг назм ва насрдаги машқлари ҳам уларнинг истеъдодидан дарак бериб турибди.

Шеъротиимизнинг навқирон авлоди вакиллари Жамол Сирождидин, Юлдузай Урмонова ва Норхидай Хайдарнинг шеърлари, Турсунбой Адашбеовнинг Тўра Сулаймон ҳақидаги хангомалари, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг "Истеъдод сотилмайди", Исмоил Шомуродовнинг "Асл адабиёт ҳақида ўйлар", Ваҳоб Раҳмоновнинг "Қош қўяман деб..." сарлавҳали мақолалари "Ёшлик"нинг ушбу сонини мазмунан бойитган.

"Ўзбек тили ва адабиёти" 2014 йил, 1-2-сонлар

Журналнинг жорий йилдаги икки сониди адабиётимизнинг икки буюк сиймоси — ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги ва Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан бир қанча адабий тадқиқотлар, тахлилий мақолалар чоп этилган. Жумладан, И.Ҳаққул мақоласида Навоий



ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ
O'ZBEK TILI
VA ADABIYOTI
1 / 2014

ва бошқа навоийшунос олим ҳамда тадқиқотчиларнинг мақолалари улуг бобоқалонимиз ижоди билан боғлиқ долзарб мавзуларга бағишланган.


Тилшунос олимлар Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Ё.Тожиёв, И.Мирзаевнинг тил илмига доир мақолалари, Б.Назаровнинг "Беҳбудий публицистикасида истиқлол руҳи", Т.Мирзаевнинг "Фолклоршунослигимиз зинайти", шунингдек, турли мавзудаги илмий ахборотлар, тақриз ва библиографик маълумотлар журналнинг шу йилги илк

сонидан ўрин олган.

Абдулла Қодирий ижодий мероси тадқиқига бағишланган ишлар қаторида Б.Назаровнинг улуг адиб ҳажвиётига доир кузатишлари, С.Мелининг "Самовий миқёс: Ўткан кунлар" ва "Қирол Лир", С.Тўлағонованинг "Давр ва ижодкор шахсияти", шунингдек, М.Худойкулов, З.Мирзаева, Ф.Турсунованинг айна мавзуга доир тадқиқотлари билан танишасиз.

Шунингдек, журналнинг жорий йилги 2-сониди тилшунослик, адабиётшуносликнинг турли мавзулари ёритилган мақолалар, илмий ахборот мазмунидидаги кичик тадқиқот ва тақрирлар босилган.

Газетхонларга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевни батафсил таништириб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. Зотан, бугун устоз ёзувчимизни бутун дунё билади, асарларини турли миллат болалари ўз тилларида севиб ўқийдилар. Худойберди ака билан суҳбатлашиш мақсадида кўнгирок қилганимизда эса, устоз адибнинг нафақат яхши ижодкор, балки нозик дидли яхши инсон эканига ҳам тан бердик. Суҳбат учун қачон, қаерга бориш мумкинлигини сўраганимизда, таклиф учун тахририятимизга миннатдорчилик билдириб, табаррук ёшларига қарамай, ўзлари олдимишга келишларини маълум қилдилар. Очиғи, кечагина санъат ё бошқа бир ижод оламига кириб келиб, бироз танилишга улгурмаёқ учрашув вақтини у кундан бу кунга сурадиган, мухбирларни ўз ортидан овера қиладиган баъзи иззатталаб "ижодкорлар" 82 ёшни қоралаган адабиётимиз оқсоқолидан ўртак олсалар ёмон бўлмасди, деган фикр кечди кўнглимиздан. Болаларнинг сеvimли адиби билан тахририятда ўтган суҳбат болалар адабиёти, болалар учун яратилаётган филмлар ва баъзи TV кўрсатувларининг ўзига хослиги ҳақида бўлди.



Таникли украин ёзувчиси Григорий Тютоник шундай деганди: "Мен Хошимжонни яхши қўриб қолдим. У ҳам набирамга ўхшаб ёлгон гапираркан. Энди ана шу Хошимжоннинг болалари қандай эканини Ўзбекистонга бориб кўрмоқчиман". Кўраёсизми, асарда ҳам, экранда ҳам бола бола бўлиши керак.

Худойберди ТЎХТАБОВ:

"ҚАНИ ЭНДИ БОЛАЛИККА ҚАЙТОЛСАМ..."

— Худойберди ака, Сизни халқимиз болаларнинг сеvimли ёзувчиси ва бир неча йилдан буён телевидение орқали муттасил намойиш этиб келинаётган ўқувчиларнинг энг қизиқарли кўрсатуви "Уйла, изла, топ"нинг ташкилотчиси сифатида яхши биласиз. Айтинг-чи, катталар ва болалар ёзувчиси, дея ажратилиши қанчалар тўғри?

— Аслида ёзувчиларнинг ҳаммаси бир хил бўлади, яъни катталар учун ҳам, болалар учун ҳам бир хил сўзлар ишлатилади, асар китобхон фикрлаши, завқ олиши учун ёзилади. Мутафаккир Алишер Навоийнинг буюк асарлари кўп. Биргина "Ёлгончи" шеърини олинг. Ўқиган катта-ю кичикка бирдек завқ бағишлайди. Бошқа катта ижодкорлар бисотида ҳам бу каби мисоллар кўп бўлади.

Лекин болалар учун ёзишнинг ўзига хос қийинчиликлари, алоҳида жиҳатлари борлиги ҳам ҳақиқат. Эҳтимол, шу сабабли болалар ёзувчиси ёки шоири деган ибора пайдо бўлган-дир. Ваҳоланки, асарият болалар учун ёзилган асарларини катта ёшдагилар ҳам мазза қилиб ўқийди. Масалан, Марк Твен асарларини ҳамма бирдек завқланди ўқийди-ку! Ёки "Сариқ девни миниб" романим бир йил давомида ўттиз минг нусхада босилганига нима дейсиз.

Катта домлаларимиздан бири бу китоб ҳақида шундай деганди: "Сариқ девни миниб"ни ўқиганимда хонамга бамисоли баҳор шаббодаси кириб келгандек бўлди". Ёзувчига бундан ортик мақтов бўлмаса керак. Хар сафар бирор асарни бошлашдан олдин ўзимнинг болалик ҳолатимга қайтаман. Биласизми, ҳолатга қайтувча битта жумлани бир неча марта ёзаман. Болалигимни, ўша пайтда бўлиб ўтган воқеаларни эслашга ҳаракат қиламан. Шунда бирдан ўзимни аллақандай енгил ҳис қилиб, баъзи ҳолатларни кўз олдимга келтириб, тўсатдан қийралиб бошлайман. Болаликдаги ҳолатимга қайтаман ва ёшиш енгил кўчади.

Баъзан нима учун болалар шоирлари узоқ умр кўради, деб ўйлаб қоламан. Улар ҳар сафар ижод жараёнида болага айланаверган, кўнгиллари боланикидек тоза, беғубор бўлган. Марк Твен, Жанны Родари, Николай Носов, Альберт Лиханов, Сергей Алексеев асарларидаги соддалик, самимият, ёқимли ёлгончиликларни бир эсланг. Шоир Пулат Мўмин "Бола билан гапашганда бўйингини сал эгиб, у билан баробарлашиб гаплаш", дерди.

— "Сариқ девни миниб", "Сариқ девнинг ўлими", "Сехрли қалпоқча" китобларининг дунёга машхур бўлиб кетди. Хошимжон турли миллат болаларининг сеvimли қахрамониға айланди. Хатто машхур болалар ёзувчиси Жанны Родарининг ҳам назарига тушди...

— Очиғи, болалар учун ёзаётган асарларим бу қадар машхур бўлиб кетади, деб ўйламагандим. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган вақтимда ўқитиш хохламайдиган дангаса ўқувчиларга шу ахволда кетаверса, уларнинг келажаги яхши бўлмаслиги ҳақида роса гапирардим, лекин ҳеч нарсани тушунтиролмай

хуноб бўлардим. Ўша вақтлардаёқ болалар ҳақида асар яратиш истаги туғилганди.

Дастлаб асарнинг биринчи қисми — "Сехрли қалпоқча"ни ёздим. Китобнинг иккинчи ва

учинчи қисмлари ўқувчиларнинг талаби билан дунёга келди. Шу йўсинда "Сариқ девни миниб" китобхонлар қўлига тегди. Хар сафар мактабларда бўлиб, китоблар ҳақида ўқувчиларнинг фикри билан қизиқдим. Болалар билан бўлган суҳбатлар навбатдаги асарларимнинг дунёга келишида катта рол ўйнади.

Асарнинг дунё бўйлаб тарқалишига келсак, 1971 йили Москвада "Сариқ девни миниб" романининг биринчи қисми "Волшебная шапка" номи билан босилди. Шу йил Италиянинг Рим шаҳрида бутун дунё болалар ёзувчиларининг форуми бўлиб ўтди. Унга "Детская литература" нашриётидан Регина Каприлли таклиф қилинган бўлиб, ўзи билан бирга бошқа китоблар қатори "Волшебная шапка"ни ҳам олиб борган. Италиянинг ўттиз икки саҳифали "Унига" газетасида Жанны Родари муқаддимаси билан "Сариқ девни миниб" асаридан парча берилди. Муқаддимда шундай гаплар бор эди: "Менга таниш ва таржимага тавсия этиш учун тақдим этилган асарлар орасида ўзбек ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг "Волшебная шапка" асари юмроғга бойлиги, фантазияси кенг эканлиги билан маъқул бўлди. Италия болалари ҳам шундан озгина баҳра олсин, деб асардан бир боб таржима қилдим".

Форумда қатнашган ёзувчилар машхур ёзувчи назарига тушган бу асарда бир гап бўлса керак, деб ўз тилларига таржима қилиш учун "Детская литература" нашриётига мурожаат қилишган. 1972 йили "Сехрли қалпоқча" илк бор немис тилига таржима қилинган. 70дан ортик суратлар билан китоб ҳолида чоп этилди. Шу тариқа украин, белорус, молдав, эстон, латви, чех, италян каби ўттиздан ортик тилларга таржима қилинди.

— Худойберди ака, маълумки шу китоблар асосида "Ўзбекистон" миллий агентлиги буюртмасига асосан иккита филм ишланди. Ана шу картиналарга муносабатингизни билмоқчи эдик.

— Сўнгги йилларда болалар учун мунтазам янги филмлар суратга олинмоқда. Лекин, очиғи, асарият филмларда боланинг ўзи йўқ. Ёки бола катталар қиёфасида кўринади, ё бўлмаса, катталар бола учун ҳамма нарсани ўзлари ҳал қиладди. Ваҳоланки, бола боладек гапириши керак.

Энди асарларим асосидаги филмларга келсак, тўғриси, улар менга бошида маъқул бўлмади. "Сехрли қалпоқча" филми тақдимидадан аразлаб чиқиб кетганман. Аввало, мен назарда тутган Хошимжон ўтган асрнинг 50-60 йиллари боласи эди. Филм эса янги давр болаларига мослаб олинган. Шундай бўлса-да, картина Наманган, Сирдарё ва Самарқандда қўйилаётганда ижодкорлар билан бирга учрашувларда бўлиб, ҳайрон қолдим. Болалар филми жуда зўр қабул қилишди. Кўнглим кўтарилиб кетди. Шу жараёнда билдимки, филм режиссёр кўзи билан яраларкан. Гоя бузилмайди, асардан лаҳзалар олинади. Талқин эса ўзгаради. Буни мен "Сариқ девни миниб" филми муҳока-масида англадим. Филм менга ёқди.

Болалар Сизни миллионлаб мактаб ўқувчиларининг сеvimли кўрсатувиға айланган, ўзингиз ташкил этган "Уйла, изла, топ" кўрсатуви орқали ҳам яхши танийдилар. Янглишмасам, телевидениенинг узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган кўрсатувларидан бири бу.

— Йигирма уч йил бўлди "Уйла, изла, топ"нинг экранга чиққанига. 1991 йилдан буён кўрсатувга раҳбарлик қилиб келаман. Ё мен болаларни ҳаддан ташқари яхши кўраман, ёки улар мени яхши кўришади. Эҳтимол, шунинг учун телевидениедаги болалар кўрсатуви билан узоқ йиллар ҳамкорлик қиламан.

Бу йил "Соғлом бола йили" бўлгани учун ҳам "Уйла, изла, топ" кўрсатуви ҳақида алоҳида фикрлашимиз зарур, деб ўйлайман. Нафақат бу йил, Президентимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб келаяпти. 1991 йил декабр ойида бир қатор таникли ёзувчилар, жамоат арбоблари қатори камина ҳам болалар ёзувчиси сифатида Юртбошимиз билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлгандим. Ўшанда миллий давлатчилик, миллий мафкура-ни шакллантиришда бола тарбияси, унинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳи-

да урғу берилганди. Бу борада бошқа соҳалар қатори телевидениенинг ўрни ва роли таъкидланди, жумладан, бизнинг "Уйла, изла, топ" кўрсатувиимизга янада кўпроқ вақт ажратилиши лозимлиги айтилганди.

Дарҳақиқат, бугун янги авлод, янги эътиқод шаклланиб келаяпти. Бу авлод тарбияси учун ўн мингга яқин ўрта таълим мактаби, бир ярим мингдан ортик академик лицей ва коллежлар, эллика яқин махсус мактаблар фаолият кўрсатапти. Ана шу масканларда таълим олаётган тўққиз миллионга яқин ёшлар ўқув дастуридан ташқари дунё адабиёти ва санъатини, юртимиз тарихини, миллий қадриятларини янада чуқурроқ ўрганишлари керак. "Уйла, изла, топ" кўрсатувининг вазифаси — ана шу катта ва зғу ишга озгина улуш қўйиш.

— Кўрсатуви тайёрлаш жараёни қандай кечади? Қатнашчилар қай тарика танланади?

— Жавобни саволнинг иккинчи қисмидан бошласам. Кўрсатув ортида бир гуруҳ фанимиз заҳматкашларининг меҳнати ётади. Улар орасида химия фанлари доктори Тўйғун Бобоев, биология фанлари доктори Муборак Абдуллаева, физика-математика фанлари доктори Алишер Маматов, тарих фанлари доктори Дилором Бобонова каби кўп таълимчи-

болалари шеърятга ихлоси бандлиги, адабиёт, физика, математика ва бошқа фанлардан, қадриятларимиздан яхши билимга эга эканлиги билан кишини ҳайратга солади.

Хозирги кунда чет тилидан билимлар синовига, компютер маданияти, ихтирочилик маданияти тарғиботиға, қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат масалаларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Мактаб ўқувчилари орасида дунё миқёсида эътироф этилган болалар ҳақида алоҳида савол киритиш ниятидамиз. Хуллас, кўрсатув режиссёри Миртўлоб Миркомиллов билан ҳамкорликда режа ва ниятларимиз бисёр.

— Худойберди ака, болалар адабиётининг бугунги ҳолати ҳақида қандай фикрдасиз? Ўқувчиларга яна қандай янги асарлар тухфа қилмоқчисиз?

— Сўнгги йилларда болалар адабиётига бир неча иқтидорли ёшлар келиб қўшилди. Албатта, улар орасида болалар қалбига йўл топа оладиганлари ҳам бор. Лекин зўрма-зўраки, ўйлаб топиладиган воқеалар асосига қурилган шеърлар ҳам йўқ эмас. Мутаасар қилиб айтадиган бўлсам, болалар учун яхши шеърлар бор, лекин наср йўқи! Борлари ҳам машхур бир адибимизнинг гапини эслатади: "Икки марта ўқишга арзимайдиган асар бир марта ўқишга ҳам арзимади".

Кани энди бугун ўзим жила курси йигирма фоиз болаликка қайтолсам. Афсуски, кексайган сари болаликка қайтиш қийин кечаркан. Ваҳоланки, болаликка қайтмай туриб болалар учун яхши асар ёзиб бўлмайди. Лекин бекор ўтир-



ли олимлар бор. Хар бир кўрсатувда улар билан маслаҳатлашамиз. Саволларни бирга тузамиз. Барча фанларга оид китоблардан, касб-хунарга доир қўлланмалардан, тест саволларидан, турли энциклопедиялардан фойдаланамиз. Илгари саволлар тор доирада, сал енгилроқ бўларди. 2000-йилдан бошлаб жамиятга илмий, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ўғил-қизларни етиштиришда ёрдам бериш мақсадида компютер техникаси, кимё, биология, география, чет тили каби йўналишлар бўйича саволлар қўшиб келаямиз.

Қатнашчиларнинг дастлабки беллашувлари вилоятларда бўлиб ўтади. Фолиб гуруҳ пойтахтга келади. Келган кунёқ олимларимиз улар билан савол-жавоб қиладилар. Чунки дарсликлар янги-янапти. Кундан кунга техник дарслиётлар сони ортиб борапти. Бундай шароитда болаларга аввалдан маслаҳат бериш зиён қилмайди.

Мени қувонтирадигани шуки, бугунга келиб, "Уйла, изла, топ" кўрсатуви атрофида бутун бир мактаб шаклланди. 23 йил давомида кўрсатувда қатнашганлар орасидан кўп таълимчи шахслар етишиб чиқди.

Шу ўринда танловдаги шеърый баҳсга алоҳида тўхталмоқчиман. Чунки бу баҳсда мумтоз адабиётимиз тарғиб қилинади. Бошқа ўқувчиларда ҳам шеърятга қизиқиш уйғонади. Мени ҳайратга соладиган нарсаси шуки, бу кўрсатувдаги энг кучли йўналишлардан. 200-250 та шеърни ёддан биладиган болалар бор. Барча вилоятларнинг

ганим йўқ. Шу йил "Киз талашган ўсмирлар" романим ва "Киз болага тош отман" телероманимни "Киз болага тош отман" деган ном билан битта китоб қилиб чиқардим. Болалар учун "Қуёнлар салтанати" романим ҳам нашр этилди. Тошкент вилоятининг 17та туман, 4та шаҳрида бўлиб, очерклар ёздим. Улар матбуотда эълон қилинди. Ана шу очеркларни тўплаб китоб тайёрладим. Айни кунларда "Ўлиб ўлмай қолганлар" номли қисса устида иш бошлаганман. Унда ўн уч ёшимдан бошлаб бошимдан ўтган воқеаларни қаламга олдим. Яна иккита асарни режалаштириб қўйганман. Уларни хозирча "43-йил етимчалари" ва "Қишлоғим чолларининг ҳикматлари" деб номладим.

Ҳали болалар учун ёзадиганларим кўп. Оллоҳ умр берса, ўйлаб қўйган режаларимни амалга ошираман. Чунки юртимиз келажаги бўлган ёшлар ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари мени жуда қизиқтиради. Президентимизнинг бир гаплари ҳамиша ёдимда туради: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Бу — болаларимизнинг порлоқ келажаги учун юртимизда ҳамма соҳани ривожлантиришга қаратилган буюк гоя. Ана шу гоя хар биримиз учун дастуриламал бўлиши лозим.

Гулчехра УМАРОВА
суҳбатлашди.

САНЪАТ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Санъат ҳамиша маънавий тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб келган. Айниқса, бугун — глобаллашув жараёни тобора кучайиб, интернет саҳифасидаги оддий ахборот ҳам мафкуравий қуролга айланаётган бир даврда ижодкор бутун жамият тарбиясига масъул шахсга айланди. Республика Маънавият ва тарғибот маркази ташаббуси билан ўтказилган "Санъат ва маънавий тарбия" мавзuidaги давра суҳбатиди мустақиллик йилларида санъатнинг маънавий тарбия қараидаги аҳамиятини ошириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар самараси ҳақида сўз юритилди. Очиқ мулоқот кўри-

Шухрат РИЗАЕВ:

— Хар қандай санъат асари, албатта, жамият маънавий ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилиши зарур. Аммо санъат тарбиясини педагогик тарбия билан адаштирмаслик лозим. Зеро, санъат асарлари эстетик тарбия орқали инсон тафаккурига таъсир ўтказида. Эстетик диднинг шаклланиши эса ўзига хос жараёндир. Аслида санъат билан ошнолик болалик чоғларидан бошланади ва мунтазам давом этиши лозим. Мазкур масалаларга "Соғлом бола йили" давлат дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилганининг сабаби шунда. Мамлакатимизда бугун санъатнинг маънавий тарбиядаги аҳа-

нишида ташкил этилган ушбу тадбир турли соҳа ижодкорларини, таникли санъаткор ва мутахассисларни жамлади. Унда "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Шухрат Ризаев, таникли санъаткорлар Насиба Абдуллаева, Мирза Азизов, шоир ва журналистлар, маданият ҳамда санъат намоёндалари ўз маърузалари билан иштирок этди. Йиғилганлар, айниқса, замонавий эстрада санъатида кечаётган жараёнларга алоҳида тўхталиб, қўшиқ учун тўғри шеър танлаш, яхши маҳорати, хонанданинг миллий қадриятларга хурмати каби долзарб масалалар борасида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Насиба АБДУЛЛАЕВА:

— Узоқ йиллардан буён хонандалик билан шугулланиб келаётган ижодкор сифатида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, хар қандай санъат асарининг омалашуви биринчи навбатда тарғибга боғлиқ. Агар радио каналларимиз орқали қучмал қўшиқлар

мунтазам эшиттирилса, интернет саҳифаларида хаваскор оператор ва режиссёрлар суратга олган клиплар тинимсиз намоиш қилинса, муҳлислар диди саёз ижод намуналарига кўникиб қолиши табиий. Шу сабабли ҳам барча даврларда ижод намуналарини саралаш, махсус ижодий талаб ва мезонлар яратиш муҳим саналган. Бу масалалар, айниқса, санъат асарларининг асосий тарғиботчисиға айланган оммавий ахборот воситалари алоҳида эътибор қаратиши лозим деб ўйлайман. Хусусан, театр, эстрада, кино каби кенг томошабинлар аудиториясига эга жамоавий ижод турларида, аввало профессионализм бирламчи меъёрга айланиши зарур.

Мирза АЗИЗОВ:

— Санъатнинг маънавий тарбиядаги аҳамиятиға бағишланган турли давра суҳбатларини ташкил этиш сўнгги йилларда аънамага айланган ижобий ҳол. Чунки бу каби тадбирлар айрим юртимолли жиҳатлар ҳақида ҳам фикр муаммоларини беради. Аммо бирор санъат турини танқид қилишдан аввал таънинг иккинчи томони борлигини унутмаслик лозим. Гоҳида "Миллий эстрадамиз сайёзлашиб кетди", "Баҳкана филмлар сони ортмоқда", каби умумий, аниқ бир далилга эга бўлмаган эътирозларни эшитиб қоламиз. Ваҳоланки, эстрада, кино каби соҳаларда бугун юксак маҳоратга эга санъаткорлар борлигини, улар ҳам астойдил ижод қилаётганини ёддан чиқармаслик керак. Негаки, улар яратаяётган санъат асарлари, айниқса, ёшлар тарбиясига катта таъсир кўрсатаётир. Бир сўз билан айтганда, камчиликлар билан бир қаторда ютуқларимизни ҳам кўра билиш зарур. Назаримда, андиша қилиб, айрим истеъдодсиз ижодкорлар хатосини "эстрада ижодкорлари", "кино актёрлари" каби умумий иборалар ортига яшириш тўғри эмас. Мисол учун бирор хонанда савиясиз қўшиқ қуйладими, демек, мусикашунослар фикри бевосита ана шу ижодкорнинг ўзига қаратилиши ва ошқора бўлиши керак. Шундагина санъат асарларининг маънавий тарбияга ижобий ёки салбий таъсири ҳақида ҳолис фикр юритиш мумкин.

А.ИМОМОВ ёзиб олди.

ОНА ЮРТ МЕҲРИ

"Тафаккур" нашриёти томонидан чоп этилган "Денов: эътироф ва эҳтиром" китоби қадим Чағоний тарихининг ўрганилиши, қўхна шаҳар харобаларида олиб борилган қадимшунослик ишлари ва бу борада жонбозлик кўрсатган воҳа фарзандларининг фидойиликларига бағишланган. Ёзувчилар ушунга қўшган қўшқонларидан бири бўлиб, мазкур китобга жамланган асарият мақолаларда олимнинг чин инсоний фазилатлари, она юртга бўлган меҳри кенг эътироф этилган.

Китобдан эътироф ва эҳтиромга бой кўнгли изҳорлари муҳрланган етмишдан ортик мақолалар ўрин олган. Таникли шоиримиз Эшқобил Шукӯр "Тоштемир ака ўзи ҳаммага эл бўлишни истаиди ва ҳамманинг бир-бирига эл бўлишни истаиди... У ичи кенг одам... Сурхондарё даштилариди кенг. Осонликча торикмайд... Ор қилади. Чунки у "Алпомиш"ни зўр билади-да", деб таъкидласа, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Музаффар Турсунов "Одамийлик унинг қон-қонига сингиб кетган... Боботоғдай бир дўстимиз борлигиндан кўрагини тоғдай кўтарилади", дейди. Маҳмуд Абдулфайз эса "Денов шаҳридаги кутлуг бир

хонадон Тоштемир Турдиевни сўраб-суриштирувчи меҳмонлар, муҳлислар, шоирлар билан доимо банд. Ислаб келувчиларнинг оёғи узилмайди. Устознинг ҳам одамларга бўлган меҳри тугамайди", деб ёзади. Китобдаги кўп таълимчи мақолаларда Тоштемир Турдиевнинг "Алпомиш" достонининг Сурхондарё ва-риантини ёзиб олиб, элоҳида китоб тарзида чоп этидигани, шунингдек, шоир Раъно Узоқованинг адабий жамоатчиликам номая-

лум бўлган ижодий фаолиятини тиклаб "Субҳидам қалдирғочи" деб номланган китоб ёзгани ҳам катта хайрихоҳлик билан эътироф этилган. Устоз ижодкорларимиз Абдулла Орипов ҳамда Шукӯр Холмирзаевнинг бу борадаги эътирофлари катта қизиқиш билан ўқилади.

Мазкур китобдан Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзенинг Денов тарихининг ўрганилишиға доир иккита мақоласи, Япониядаги Сока университети профессори жаноб Кюдзо Катонинг қадимий Денов шаҳрининг ёшани аниқлашға доир тадқиқий мақолалари, шунингдек, денювликларға бағишланган эссе ва суҳбатлар, кутлов шеърлари ҳам ўрин олган.

Хушбўқ РАҲИМ,
фалсафа фанлари номзоди

